O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 24 ноябрь, № 228 (4891) Сешанба

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

## туфайли корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозор истеъмолчиларига маъқул келмоқда

***Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг фаолияти тобора ривожланиб бораётир.***



Бу тайёрланаётган маҳсулотларнинг фақатгина сифати яхшиланишига эмас, балки янги-янги турларини ўзлаштириш, пировардида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти. Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, Маҳаллийлаштириш дастурига биноан, республикамиз корхоналари томонидан 100 дан ортиқ янги маҳсулот турлари ўзлаштирилгани ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга кўпайгани бунинг ёрқин далилидир.

**Жараён**

Пойтахтимиздаги очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Махсусполимер" корхонаси — шундай тараққиёт йўлидан бораётган жамоалардан бири. Бу ерда 50 турдан зиёд дренаж, шу жумладан, ичимлик суви ва газ учун мўлжалланган полиэтилен, шунингдек, ер ости сувларни чиқариш учун махсус қувурлар ва уларнинг фильтрлари ҳамда электр симларини ҳимояловчи пластмасса қобиқлар ишлаб чиқарилади. Германиянинг "Battenfeld", "Drossbach" ҳамда Хитойнинг бир нечта етакчи фирмаларининг замонавий технологиялари билан жиҳозланган корхонада ўтган тўққиз ой давомида 1,5 минг тонна маҳсулот тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

***Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловнинг аҳамияти беқиёсдир. Сайлов кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.***




# «ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари ҳамма учун тушунарли: бу — ***демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлардир.*** Бу — охир-оқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

**Амалий қўлланма**

Демократиянинг мазкур тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўлақонли ифодасини топган. Хусусан, унинг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги мустаҳкамланган. Мазкур модданинг бевосита изчил, мантиқий давоми сифатида 32-моддада "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади", деб қайд этилган.

Давлат органларини демократик тарзда ташкил этишнинг жаҳонда эътироф этилган асосий шакли ҳам сайловлардир. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимизнинг XXIII боби "Сайлов тизими" деб номланиб, унинг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади", деб белгиланган.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари деганда, аввалambор, Конституциянинг 76-моддасига асосан, олий давлат вакиллик органи бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловдан мақсад олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловнинг аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларининг барчасидан сайловчилар вакиллиги таъминланиб, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал қилувчи органлардан бири бўлган Олий Мажлисга халқ ичидан энг муносиб номзодлар очиқ, ошкора, адолатли тарзда сайлаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисиға сайловнинг аҳамияти яна шунда намоён бўладики, ***биринчидан,*** сайлов орқали давлатнинг олий вакиллик органлари шакллантирилади.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини белгиловчи омиллар кўп. Улар ичида энг муҳими — бу экспорт кўрсаткичидир. Шу мезон билан ўлчанса, дунё давлатларини шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин: экспортчи ва импорт қилувчи давлатлар. Ўзбекистонга бу сифатларнинг қай бири кўпроқ мос келади?***

# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ КЎЗГУСИ

Очиғи, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўламининг тобора кенгайиши иқтисодиёт оламида муайян қийинчиликларни юзага келтирди. Айниқса, саноат маҳсулотларига талаб пасайиши оқибатида ишлаб чиқариш суръатлари кескин тушиб кетди. Ҳаттоки, гигант корхоналар фаолиятини "музлатиб" қўйишга, айримларида эса ишчилар сонини қисқартириш эвазига вазиятни юмшатишга уринишмоқда. Бундай чоралар, барибир, экспорт ҳажмини аввалги йиллардаги ҳолатда сақлаб қолиш имконини бермади. Бу жараён баъзи давлатлардан экспортчи сифатини олиб ташлашни тақозо этаётир. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти юқори эканлиги амалда яна бир карра исботланди. Жорий йилнинг тўққиз ойида ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг 2,3 миллиард АҚШ долларидан ортгани бунинг яққол далилидир. Табиий савол туғилади: бундай натижага қандай қилиб эришилди?

**Экспорт**

Халқаро экспертларнинг фикрича, давлатимиз раҳбарияти томонидан глобал инқироз оқибатлари олдиндан илғаб олингани, унга қарши изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар саноат корхоналарининг барқарор ишлаши, ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бераётир. Қувонарлиси, кўплаб турдаги янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, уларнинг аксарияти хорижлик харидорларга етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, дунё бозорида нархларнинг беқарорлашуви ишлаб чиқарувчиларни таҳликали вазиятларга солиб қўймоқда. Бунинг таъсири жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган мамлакатимизга ҳам сезилмай қолмайди, албатта. Аммо юртимизда экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича кўрилаётган тизимли тадбирлар, хусусан, тижорат банклари томонидан уларнинг айланма маблағини тўлдириш учун 160 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар берилгани ўз самарасини кўрсатаётир. Сабаби, молиявий кўмак маҳсулотни экспорт қилиш билан боғлиқ вақтинчалик қийинчиликлар туфайли ишлаб чиқаришни қисқартиришнинг олдини олишда рағбатлантирувчи омил бўлди. Бундан ташқари, бир қатор корхоналарда бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича умумий қиймати салкам 56 миллиард (!) сўмга тенг пеня ва жарима санкциялари ҳисобдан чиқарилди. Шунингдек, 48 та экспортчи корхона бўйича муддати кечиктирилган ва жорий қарз маблағлари, жумладан, фоизлар бўйича тўловлар, банк кредитлари бўйича жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш орқали реструктуризация қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

***Пойтахтимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бошланди.***

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар, ижтимоий тизим мутахассислари иштирок этмоқда.

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Д. Қобулова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, касаначиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

**Фармон ва ижро**

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначиликни ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Фармонда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза этиш, бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик ва идоралар, бирлашмалар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид лойиҳа бунинг мисолидир. Мазкур лойиҳа доирасида хотин-қизларни иш билан таъминлаш,

(Давоми 3-бетда).



# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Маҳсулотларга талаб ортмоқда

***ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳридаги "Cotton Road" Ўзбекистон — Туркия — АҚШ қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллион 326 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга чиқарилди.***

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч баробар кўпдир. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган сифатли спорт кийимлари ва турли газламаларга нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Эътиборли томони, 550 киши меҳнат қилаётган корхонада янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ўтган ўн ой мобайнида 8,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Яна бир янги корхона

***НАМАНГАН шаҳридаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бунёд текстиль" масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотларини экспорт қила бошлади.***

"Сифат — ишнинг асосий мезони" тамойили амал қилаётган мазкур корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. 80 кишилик меҳнат жамоаси ўтган қисқа муддатда 150 миллион сўмлик маҳсулотни экспортга чиқарди.

Айни пайтда бу ерда янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қизилтепа мебеллари

***НАВОИЙ. Қизилтепа туманидаги "Оқолтин капитал сервис" масъулияти чекланган жамиятида мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Бунинг учун корхонага хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган курси, диван, ошхона жиҳозлари ва жавонлар ички бозорда тобора ўз ўрнини топиб бораётир. Ўтган бир ярим ой мобайнида корхона томонидан 170 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилгани бунинг тасдиғидир.

Эътиборли жиҳати, янги корхона фаолият бошлаши билан 17 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Ёш тадбиркорлар танлови

***СИРДАРЁ. "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши "Агробанк" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда ўтказаётган "Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати" республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Ёшларга имтиёзли кредитлар бериш орқали уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда 11 нафар ёш ишбилармон ўз бизнес лойиҳаси билан иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Ў. Ҳаитмаматов, Б. Холмедов, А. Эргашевга совринли ўринлар насиб этди. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАСИ

***2009 йилнинг январь-сентябрь ойларида мамлакатимизда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан***

**9008,9** миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида Инвестиция дастури ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли соҳада ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси олдидан

***Давримизнинг ҳар бир куни ҳаётимизга янги мазмун олиб кираверади. Жамиятимиздаги бемисл эврилишлар турмуш тарзимизни мунтазам ислоҳ қилиб боради. Бу, энг аввало, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланмиш қонунларимизнинг янгиланишларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам жамият ривожининг ана шундай ислоҳотлари натижасидир. Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда РАЖАБОВА мухбиримизга ушбу ўзгартишга туртки бўлган омиллар хусусида сўзлаб берди.***

# МУРОЖААТЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРТИБИ

### ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллашади

— Мазкур Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлиснинг Сенатига қуйи палата томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган, — дейди Мавжуда Абдуллаевна. — Қонуннинг асосий мақсади жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, ҳақиқатни аниқлаш, қонунийлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалга оширишга ёрдам беришдан иборат. Ушбу Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Қўмита ҳузурида ишчи гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳ таркибидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг вакиллари, Тошкент давлат юридик институтининг ҳуқуқшунос олимлари билан биргаликда мавжуд қонунчилигимиз ва амалиётдаги хулосалар обдан ўрганилди. Натижада янги Қонун Конституциямиз талабларига ва қонунчилигимиз техникасига мос равишда қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби» деб номланган 329-моддасининг амалдаги таҳрири икки қисмдан иборат. Уларда жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш ва уч суткадан, зарур ҳолларда эса ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқиш муддатлари ҳамда тартиби белгиланган.

Қонун нормаларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш жараёнлари кўпгина ҳолларда жиноятлар тўғрисидаги аризалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунда белгиланган муддатларни бузган ҳолда ҳал этилаётганлигини кўрсатди. Зеро, бу ҳол бир ойгача муддатда, яъни узоқ вақтни талаб қиладиган терговолди ҳаракатлари ҳамда айрим ҳолларда, сўраб-суриштириш йўли орқали тушунтириш олиш билан боғлиқ. Бинобарин, текшириш муддатларининг қисқалиги ҳамда бу муддатларни узайтиришнинг қонунчилик механизмлари мавжуд эмаслиги жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарлар юзасидан асоссиз ва барвақт қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлаётир. Ана шуларни ҳисобга олиб, мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби» деб номланган 329-моддаси матнини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш назарда тутилган:

«Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид хабарлар олинган пайтдан бошлаб, то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бош тортаётган шахслардан тушунтиришлар олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча текширмасдан туриб қонуний қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса».

Шу тариқа, мазкур модданинг янги таҳририга мувофиқ, жиноятларга оид аризалар ва хабарлар дарҳол рўйхатга олинади ва ҳал қилинади. Муайян вазиятлар мавжуд бўлган зарур ҳолларда эса, терговга қадар текшириш муддати прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, янги Қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаб, жиноят-процессуал тартибини такомиллаштиради. Энг муҳими, бу орқали фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ўз вақтида таъминлаш учун ҳуқуқий асос мустаҳкамланади.

**Алишер БОЛИЕВ ёзиб олди.**

# «ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

***Иккинчидан,*** сайлов ҳокимиятни шакллантириш учун курашувчи сиёсий кучларнинг қонуний йўл билан шаклланишига ва соғлом рақобат муҳитининг вужудга келишига хизмат қилади.

***Учинчидан,*** сайлов жараёнининг жорий қилиниши фуқаролар сиёсий фаолликларининг ошишига ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов ўтказиш бўйича қонунчиликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг Олий Мажлисга сайлов қонунчилигини яратиш ва уни изчил ривожлантириш бўйича босиб ўтилган мустақил тараққиёт йўлини алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ўтиш даври ва миллий сайлов тизимимиз асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган ***дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар*** мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

***Дастлабки босқич***да асосий вазифа эски, ўз умрини яшаб бўлган, маъмурий-буйруқбозлик тизими мафкурасига хизмат қилувчи сайлов тизими ва қонунчилигига барҳам бериш ҳамда янги, демократик талабларга жавоб берувчи, ўзимизга хос ва ўзимизга мос сайлов тизими ва қонунчиликни яратиш ҳисобланди.

Бунда энг асосий масала миллий сайлов тизимининг конституциявий асосларини яратиш ҳисобланиб, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Асосий Қонунимизда сайлов тизимига алоҳида боб ажратилди.

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни мамлакат олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятни сайлаш бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ўзида акс эттирди. Қонун мамлакат фуқароларининг ўз сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун зарур ҳуқуқий маконни яратди.

1994 йилда сайланган мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бутун мазмун-моҳияти билан фарқ қилди. Унинг шаклланиши, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва усуллари буни яққол исботлайди.

***Биринчидан,*** депутатлар сайлови биринчи марта кўп партиявийлик асосида ўтказилди. Ҳар бир сайлов округида икки-уч номзод депутатлик учун курашди. Сайловчиларга эса ана шу номзодлардан танлаб олишнинг реал ҳуқуқи берилди. Кўп партиявийлик тамойили Олий Мажлис ишига жорий этилди.

***Иккинчидан,*** Олий Мажлисга ва шунингдек, маҳаллий вакиллик органларига сайловларни ташкил қилишда синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилди.

***Учинчидан,*** Олий Мажлис депутатлари турли партиянинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланди.

Мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнлари билан ҳамоҳанг равишда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун ҳам такомиллашиб борди. 1999 йилги парламент сайловларидан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигига киритилган қатор янги ҳуқуқий нормалар сайлов тизимини янада демократлаштирди, умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида сайловлар бўлиб ўтишини таъминлади.

Сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторида маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгиланганлиги, шунингдек, сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

***2001 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олган иккинчи босқич*** — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври сиёсий ҳаётимизни, хусусан, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг икки палатали парламент тузиш ташаббуси асосида 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари ҳамда унинг асосида қабул қилинган "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонун мамлакатимизда икки пала-тали парламент яратишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Маълумки, доимий асосда ишлайдиган икки палатали қонун чиқарувчи орган тузиш замонавий парламентаризмга хос тамойилдир. Зеро, жаҳондаги кўпгина демократик мамлакатларда икки палатали парламент фаолият кўрсатиб келмоқда.

Икки палатали парламентни сайлаш ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида бу босқичда 2003 йил 29 августда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида Қонунга уч марта (2004 йил 27 август, 2004 йил 3 декабрь, 2008 йил 25 декабрда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартишлар сайловларнинг транспарентлиги ва очиқлигини таъминлаш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги халқаро стандартлар ҳамда дунё мамлакатларининг илғор тажрибасига асосланган ҳолда мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнига тайёргарлик босқичида сайловчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти жамоаси томонидан «Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба» номли амалий қўлланма давлат ва рус тилларида тайёрланиб, чоп этилди.

Қўлланма 3 бўлим, 11 бобдан иборат бўлиб, унинг 1-бўлими Парламент сайловига оид миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳиятига бағишланган. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказишнинг асосий принциплари, сайлов округлари ва сайлов участкалари, сайлов комиссиялари, сайлов кампанияси бошланганини эълон қилиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, сайловолди ташвиқоти, депутатликка номзодлар фаолиятининг кафолатлари, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайлов бюллетени, овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби, парламент сайлови бўйича халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасига оид масалалар тизимли тарзда таҳлилий ёритилган.

Қўлланманинг 2-бўлимида парламент сайловига оид асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати оммабоп тарзда ифодалаб берилган.

Қўлланманинг 3-бўлимида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлардаги асосий тартиб ва қоидалар схематик ифодаланган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар, магистрлар ва талабалар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Нуриддин НОРМАТОВ,**
**юридик фанлари номзоди.**

## Иқтисодиёт хабарлари

***Чирчиқ шаҳридаги "ELUS" илмий-ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот тайёрлашни модернизация қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш туфайли бир қанча ижобий натижаларга эришилмоқда.***

### Модернизация шарофати

Маълумки, Марказий Осиёда етакчи ҳисобланган ушбу корхона мамлакатимиз энергетика тармоғини юқори вольтли ускуналар билан таъминлаб келади. Яқинда бу ерда 35 дан 500 киловольтгача кучланишдаги ток ўлчовчи трансформаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада катта миқдордаги валютани тежаш имкони юзага келди.

Бу эса, ўз навбатида, "ELUS"нинг халқаро стандартларга жавоб бера оладиган маҳсулотлари хориж бозорларига чиқишига йўл очди.

**О. ҲАБИБУЛЛАЕВ.**

### Замонавий дастгоҳлар — ривожланиш омили

***Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 45 нафар тадбиркор Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида ташкил этилган "Canton-106" халқаро кўргазмасида иштирок этиб қайтди.***

Дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатидан ишбилармонлар қатнашган ушбу тадбирда замонавий минитехнологиялар ва янги маҳсулотлар намойиш этилди.

— Кўргазмага қўйилган қурилиш материаллари, канцелярия маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева ва сабзавотлар, гўшт ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган дастгоҳлар тадбиркорларимиз эътиборини тортди, — дейди республика Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси етакчи мутахассиси К. Муродов. — Аҳамиятли жиҳати, тадбир доирасида улар ўзларига маъқул бўлган минитехнологияларни сотиб олиш бўйича шартномалар имзоладилар.

**А. ИСОМИДДИНОВ.**

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

### туфайли корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозор истеъмолчиларига маъқул келмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Маълумки, ҳозирги кунда экинларни суғоришда самарали ва тежамкор усуллардан фойдаланилмоқда, — дейди корхона раҳбари Дилшод Акромов. — Шу боис жорий йилдан бошлаб томчилатиб суғориш мосламасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ваҳолонки, шу пайтгача у четдан келтирилар эди. Қувонарлиси, маҳсулотларимизга юртимиз қишлоқ хўжалиги вакилларидан ташқари, қўшни давлатлардан ҳам кўплаб буюртмалар олаяпмиз.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Яъни, кейинги йилларда республикамизда турли соҳаларга ихтисослашган кўргазмаларнинг тез-тез ўтказилаётгани биз, ишлаб чиқарувчилар учун ниҳоятда фойдали бўляпти. Хусусан, бу йилги Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида маҳсулот етказиб бериш бўйича 2 миллиард сўмлик шартномалар имзолашга эришдик. Зарур хом ашёнинг "Шўртангазкимё" мажмуасидан олинаётгани маҳсулотимизнинг нисбатан арзон бўлишини таъминлаяпти.

Корхона цехларига шу кунларда Германиядан олиб келинган яна бир ускуна ўрнатилаяпти. Бу келгусида иш самарадорлигини бундан-да оширишга хизмат қилади, албатта.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**



# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай ғамхўрликлар корхоналарнинг иқтисодий аҳволини яхшилаб, рақобатбардошлигини таъминлаганини таъкидлаш ўринлидир.

Мутахассисларнинг айтишича, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмининг ошишига яна бир сабаб бор. Гап шундаки, ишлаб чиқариш техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани туфайли жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имкони кенгаймоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида 156 та шундай лойиҳа рўёбга чиқарилди. Бу хом ашё ҳамда электр энергияси сарфининг тежалишига, маҳсулот таннархининг пасайишига, пировардида нарх билан боғлиқ рақобатга киришувчанликнинг ошишига хизмат қилаяпти. Энг муҳими, кўплаб турдаги импорт ўрнини босадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ўсиб бораётир. Жорий йилнинг 9 ойида қиймати 2635,4 миллион АҚШ долларилик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 13,1 фоиз ўрнига қарийб 15 фоизни ташкил этгани бунга мисол бўла олади.

Моҳиятан қаралса, булар шунчаки рақамлар эмас, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётганининг кўзгусидир. Бу шундайин ёрқинки, унда юртимизнинг тобора обод бўлиб, кундан-кунга янгича чирой очаётгани, халқимизнинг турмуши фаровонлашиб, ҳаёт даражаси юксалаётгани равшан акс этиб турибди.

Табиийки, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимизда шундай туб ўзгаришлар ясаётгани ҳаммани ҳайратга солмоқда. Ривожланишнинг ўзбекона моделига кўпчиликнинг қизиқиши ортиб, кези келганда, улар бизнинг тажрибамизни ўрганишаётгани, айниқса, қувонарли ҳолдир.

**Саид РАҲМОНОВ.**




**Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.**

*(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 45-модда)*

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Истиқлол шарофати туфайли келажагимиз эгалари бўлган болаларнинг бахтли ҳаёт кечириши, уларнинг салоҳиятли инсон бўлиб камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугун муҳташам таълим даргоҳлари, маҳобатли спорт иншоотлари, ўқув ва ижодиёт марказлари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Айни пайтда болажонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, юртимизда бола ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 37 ва 45-моддаларида болаларнинг мажбурий меҳнатга тортилиши тақиқланган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан ҳимояланмоқда. Шу билан бирга, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда соҳа қонунчилигига риоя этилишини таъминлаб келмоқда.

Давлат болаларнинг нафақат шахсий дахлсизлигини таъминлайди, балки уларни эксплуатациянинг барча шаклларидан ҳимоя қилишни амалга оширади, уларнинг ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олади. Бундан ташқари, қонунчилигимизда бола соғлиғи муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, болаларнинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғидан келиб чиқиб, ўзларига муносиб иш билан шуғулланиши, мукаммал таълим олиши давлатимиз томонидан таъминлаб келинаётир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, мажбурий меҳнат, яъни болани бирон-бир жазони қўллаш орқали таҳдид йўли билан ишга мажбурлаш, шунингдек, уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки одоб-ахлоқига зиён етиши мумкин бўлган ноқулай шароитда, хусусан, ер ости ишида фойдаланиш тақиқланади. Айни пайтда уларнинг белгиланган меъёрдан ортиқ юкни кўтариши ва ташишига йўл қўйилмайди.

**Парламент ҳаёти**

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари миллий қонунчилик ҳамда халқаро меъёрлар асосида тўлиқ кафолатланган. Хўш, шундай экан, соҳа қонунчилигини такомиллаштириш зарурати қандай пайдо бўлди?

Айтиш лозимки, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган БМТнинг Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги Конвенцияси талабларини ҳаётга татбиқ этиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш зарурати борлиги кўзга ташланди.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда вояга етмаганлар меҳнатидан ноқулай шароитдаги ишларда фойдаланган ота-оналар ва жисмоний шахсларга нисбатан жавобгарлик назарда тутилмаган. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш белгиланган ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бола меҳнатидан ноқонуний фойдаланган иш берувчиларга алоҳида жавобгарлик назарда тутилмаган.

Қонунчиликдаги бундай номутаносиблик туфайли "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган БМТнинг "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги, "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенциялари талабларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасининг 2-бандини бажариш мақсадида ишлаб чиқилганлигини ҳам айтиш лозим.

Эътиборлиси шундаки, ушбу Қонунда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар қамраб олинган. Жумладан, болаларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланган фуқароларнинг жавобгарлигини белгиловчи модда киритилди. Айни пайтда иш берувчига болаларнинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқларини бузганлиги учун белгиланган жавобгарлик кучайтирилди.

Шундай қилиб, Қонун ишлаб чиқилди. Энди у амалиётда қандай натижалар бериши мумкин? Аввало, мазкур ҳужжат миллий қонунчиликнинг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат ҳуқуқига оид қисмини халқаро талабларга мувофиқлаштиради. Шу билан бирга, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини тўлиқ амалга оширишни таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича умуминсоний қадриятларни эъзозлашини, мамлакатимизда халқаро мажбуриятлар ҳамда Минг йиллик декларацияси асосида амалга оширилаётган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид давлат сиёсати юқори самара бераётганлигини тасдиқлайди. Қолаверса, ушбу Қонун болаларнинг янада бахтли ҳаёт кечириши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зотан, бу дунёда бола кулгисини кўриб, қувончу шодликка тўлмаган, уларнинг саодатидан ўзини бахтли санамаган инсон бўлмаса керак.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Паром чўкиб кетди

***Индонезиянинг Риау оролларига қатновчи паром денгизда юз берган кучли тўлқин туфайли чўкиб кетди.***



Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида унинг бортида бўлган йўловчиларнинг асосий қисми қутқариб қолинган. Лекин йўқотишлар ҳам бор. Жумладан, 29 киши ҳаётдан кўз юмган, 17 киши эса бедарак йўқолган. Изоҳланишича, аслида ушбу паром кўпи билан 273 йўловчини ташиш имкониятига эга эди. Аммо воқеа юз берган пайтда унда 291 киши бўлган.

### Энг хавфсиз автомобиллар

***АҚШ йўл хавфсизлиги суғурта институти (IIHS) дунё бўйича 2010 йилда ишлаб чиқарилиши мўлжалланган янги русумдаги автоуловларда хавфсизлик қай даражада таъминланганлигига қараб, уларнинг ўзига хос рейтингини тузиб чиқди.***

Таҳлил натижаларига қараганда, “Ford” ва “Volvo” компаниясининг олтитадан, “Volkswagen”, “Audi”, “Subaru” компанияларининг бештадан, “Chrysler”нинг тўртта, шунингдек, “Honda” ҳамда “GM” компанияларининг иккитадан маҳсулоти ушбу рўйхатнинг энг юқори поғонасидан жой олган. Мутахассислар буни аниқлаш учун автомобилларни турли тезликда барча томонидан шикастлантириб кўришди. Шунда юқорида номи қайд этилган машиналарда ҳайдовчи хавфсизлиги бошқаларга нисбатан яхшироқ таъминланганлиги ойдинлашди.




Лекин бу таҳлиллар рейтингда қайд этилмаган автомобилларда ушбу жиҳатларга эътибор қаратилмаган экан-да, деган хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Чунки айрим жузъий камчиликлар туфайлигина бошқа компанияларнинг маҳсулотлари ушбу рўйхатга киритилмаган.

### Шахтадаги фалокат

***Хитойнинг Хэйлунцзян провинцияси кўмир конларидан бирида ҳалокат юз берди.***



“Франс-пресс” ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, бахтсиз ҳодиса 104 нафар одамнинг умрига зомин бўлган. Шунингдек, кон ичкарисида қолиб кетган тўрт нафар ишчининг тақдири эса номаълум.

Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

### Қўшиқчи қўлқопи — аукционда

***Машҳур хонанда Майкл Жексонга тегишли бўлган қўлқоп Нью-Йоркдаги аукционда 350 минг АҚШ долларига сотилди.***



Бу кутилганидан бир неча баробар қиммат бўлиб, аукцион ташкилотчиси — “Julien”s Auctions” компанияси уни 30-40 минг долларга пуллашни кўзлаган эди.

Айтиш жоиз, Жексон турли тошлар билан безатилган ушбу ноёб қўлқопни 1983 йилдаги концертида кийган. Ўшанда хонанда уни мухлисларидан бирига совға қилган экан.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

**Угандaнинг шарқидаги қишлоқлардан бирида истиқомат қилувчи Мэри Уокуил 2003 йилда банкдан олган микросармоясига битта уяли телефон ҳамда тўлқин ушловчи антенна харид қилади. Ўз бизнес-режасига кўра, Мэри қишлоқма-қишлоқ юриб, одамларга телефон оператори сифатида хизмат кўрсатади. Эндигина оммалашаётган бу бизнес унга катта даромад келтиради. У шу орқали банк кредитини узади ва тадбиркорликнинг бошқа турларига ҳам қўл уради. Мэри ўзини ҳозирда Уганданинг энг омадли тадбиркор аёлларидан бири, деб ҳисоблайди. Бунга эса етарлича асос бор. “Менинг телефоним — менинг ҳаётимдир” деб такрорлашдан ҳеч чарчамайдиган аёл ҳаётида уяли алоқа воситасининг ўрни беқиёс бўлганлигини мамнуният билан таъкидлайди.**

# УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ ТАРАҚҚИЁТИ

## аҳоли турмушининг ажралмас қисмига айланиб, ўзаро муносабатларда қулайликлар яратмоқда

Дарҳақиқат, бугун ахборот технологиялари, айниқса, уяли алоқа тизими изчил тараққий этмоқда. Экспертларнинг фикрича, мобиль алоқанинг кишилар турмушига янада чуқур кириб бориши одамларнинг интеллектуал салоҳиятига ва ижтимоий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатаётир. Зеро, бугун орамизда уяли алоқадан, унинг хизматларидан мунтазам фойдаланмайдиган кишини учратиш амримаҳол. “Экономист” журналининг қайд этишича, айни пайтда курраи заминда 4 миллиарддан ортиқ мобиль алоқа воситаси мавжуд. Албатта, бу сайёрамизнинг ана шунча вакили уяли алоқа хизматидан фойдаланади, деган гап эмас. Телекоммуникация соҳасида ўз маҳсулотлари билан дунёда машҳур бўлган “Sony Ericson” компаниясининг ижрочи директори Карл-Ҳенри Сванбергнинг сўзларига кўра, айни пайтда 3,6 миллиарддан ортиқ киши уяли алоқа хизматидан фойдаланади. Мутахассиснинг фикрига кўра, бир шахснинг бир неча СИМ (фойдаланувчининг идентификацияланган модули)-карталарни ишлатиши, қолаверса, ривожланаётган мамлакатларда уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар сонининг изчил кўпайиб бораётгани соҳада аниқ прогнозларни юритишга тўсқинлик қилаётир. Биргина мисол, жорий йилнинг биринчи чорагида Ҳиндистоннинг ўзида “сотка”дан фойдаланувчилар сони 125, Хитойда 89, Африка қитъасида эса 96 миллион нафарга кўпайган.

Уяли алоқа хизматининг тараққий этиши, иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларида қайд этилишича, давлатларнинг иқтисодий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, уларнинг таъкидлашича, аксарият давлатларда автомобиль йўлларининг ёмон аҳволдалиги, почта хизматининг замонавий талаблардан орқада қолаётгани, қолаверса, бошқа молиявий инфратузилмалар (консалтинг хизматлари, банк шохобчалари, ахборот ресурслари)нинг тараққий этмаганлиги ривожланаётган давлатларда уяли алоқа воситалари фаолият доирасининг кенгайишига ва энг муҳими, даромадли соҳага айланишига олиб келди. Чунки уяли телефон алоқаси орқали нарх-навони кузатиб бориш, ортиқча сарфларни тежаган ҳолда ўзаро тижорат келишувларига эришиш мумкин. “Nokia” компаниясининг Африка бўйича тадқиқот гуруҳи раҳбари Юсси Импионинг сўзларига кўра, уяли алоқа хизмати дунё миқёсида 50-60 фоиз кичик бизнес ва тадбиркорлар фаолиятида унумдорликнинг ўсишига замин яратса, бу рақам Африкада 90 фоизни ташкил этар экан.

— Яқинда бир тадбиркор билан мулоқотда бўлдик, — дейди мутахассис. — У катта йўл бўйида турли кийим-кечаклар ва салқин ичимликлар сотиш билан шуғулланар экан. Тадбиркор 2006 йилдан бошлаб ўз бизнесида уяли алоқа хизматидан фойдалана бошлайди ва қўшимча ишчи кучи ёрдамида йиллик даромадини 70 фоизга оширади.

Уяли алоқа хизмати дунё бўйлаб миллионлаб иш жойларининг барпо этилиши, давлатлар бюджетига миллиардлаб доллар миқдорида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг келиб тушишига қулай имкониятдир.

**Шарҳ**

Айниқса, соҳада даромадларни яшириш эҳтимолининг пастлиги солиқларни мунтазам ва аниқ йиғишда айни муддао бўлаётир. Лондон бизнес мактабининг 2005 йилда ўтказган ўрганишларига кўра, агар мамлакатда ҳар юз нафар кишига камида ўнта уяли алоқа хизматидан фойдаланувчи тўғри келса, у ҳолда ўша давлатнинг ялпи ички маҳсулотида 0,6 фоиз ўсишга эришиш мумкин экан.

Шу ўринда яна бир далил. Одамларнинг одатдаги кундалик харажатлардан кўра, телефон алоқасига кўпроқ чиқим қилишлари Жаҳон ресурслар интитути олимлари ўтказган тадқиқотда маълум бўлди. Албатта, уяли алоқа хизматига бўлган табиий эҳтиёж, қолаверса, ушбу хизмат нархининг мунтазам пасайтириб борилаётгани соҳанинг даромадли бўлишини рағбатлантирмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, Европа қитъасида “сотка”дан фойдаланувчилар ойига ўртача 36, АҚШда 51, Японияда 57, Хитойда 10, Ҳиндистонда 7 АҚШ доллари, Африканинг баъзи мамлакатларида ундан ҳам камроқ маблағ сарф қилар экан. Тўловларнинг йил сайин пасайиб бориши мобиль алоқа операторлари ўртасида ўзаро рақобатнинг маҳсули бўлса-да, унинг сердаромад соҳа сифатидаги мавқеига салбий таъсир кўрсатмаётир.

Умуман, дунёдаги қашшоқликка қарши курашаётган бир қатор ташкилотлар мобиль алоқасининг инсон фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини юқори баҳоламоқдалар. Уларнинг фикрига кўра, йўқчиликка барҳам беришнинг энг мақбул йўлларидан бири — айнан мобиль алоқа имкониятларидан самарали фойдаланишдир. Зеро, мобиль алоқа катта харажат эвазига барпо этиладиган чиқимларни камайтириб, одамларнинг замонавий технологиялардан унумли фойдаланишларига шароит яратади. Масалан, телефон кабеллари етиб бориши қийин бўлган жойларда Интернетни жорий этиш орқали бир қатор кундалик муаммоларни ҳал этиш мумкин. Халқаро Нобель мукофоти совриндори Муҳаммад Юнус буни оддийгина қилиб, “Сен уяли алоқа воситасига эга бўлсанг, билгинки, у сен учун бир-икки йилда қашшоқликдан чиқиш чиптаси кабидир”, деб таърифлаганди.

Айни пайтда уяли алоқа хизматининг турмушнинг ажралмас қисмига айланиши ва ундан фойдаланиш имкониятининг тобора осонлашиб бораётгани кенг жамоатчилик, тиббиётчилар, ота-оналарни жиддий ташвишга солмоқда. Айниқса, уяли алоқа воситаси тарқатаётган тўлқинларнинг инсон организмига зарари ҳақида турли илмий муассасалар тадқиқоти оммавий ахборот воситаларида бот-бот бонг ураётир. Бундай салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида ҳатто айрим давлатларда қатъий чоралар кўрилмоқда. Чунончи, Францияда узоқ давом этган тортишув ва баҳс-мунозаралардан сўнг мактабгача таълим муассасаларида, мактаб ва коллежларда ўқувчилар томонидан уяли алоқа воситасининг ишлатилиши мутлақо тақиқланди. Ота-оналар эса ўз фарзандларининг уяли телефон воситасидан фойдаланиши уларнинг онгига, маънавиятига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолидан хавотирга тушмоқда. Бунда, айниқса, турли шарм-ҳаёсиз, ваҳшиёна қотилликлар ва бошқа атайин уюштириладиган “томоша”ларни уяли телефон воситалари орқали тез тарқатиш ва кўриш мумкинлиги уларнинг ташвишига сабаб бўлаётир.

Шу ўринда мамлакатимизда ҳам уяли алоқа хизмати изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, соҳанинг фаолияти учун қулай инвестицион муҳитнинг яратилгани, операторларнинг эркин рақобати учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамлангани аҳоли орасида уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар сафининг кенгайишига хизмат қилди. 2009 йилнинг биринчи чорагидаги маълумотларга кўра, бугунги кунда 14 миллиондан ортиқ фуқаромиз мобиль алоқа хизматидан фойдаланмоқда.

Мухтасар айтганда, уяли алоқа хизмати турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Истиқболда унинг имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, янги қулайликларини изчил жорий этиб бориш, фақат эзгу мақсадларда қўллаш соҳа мутасаддисию фойдаланувчиси зиммасидаги энг муҳим вазифадир.

**Қобил ХИДИРОВ.**

---

***Эндиликда “электрон ҳамён” дея эътироф этилаётган пластик карточкалар кундалик ҳаётимиздан кенг ўрин олиб бормоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, балки ундан фойдаланувчи юртдошларимиз учун ҳам қулай, тезкор ва кафолатли тўлов воситасига айланиб улгурди.***

## Пластик карточка:

# ТЕЗКОР ТЎЛОВ ВА ИШОНЧЛИ ЖАМҒАРУВ

Айтиш жоизки, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, шунингдек, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор ижроси юзасидан Жиззах вилоятида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Хусусан, вилоятда жорий йилнинг 1 октябрига қадар 37 минг 468 та пластик карточка муомалага чиқарилиб, бундай тўлов воситаларининг умумий сони 166 минг 801 донага етди. Шунингдек, 1345 та хўжалик субъекти билан иш лойиҳалари бўйича шартномалар тузилиб, қарийб юз минг нафар ишчи ва хизматчиларга пластик карточкалар орқали иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида 1184 та терминал ишлаб турибди. Ушбу терминаллар асосан аҳоли гавжум жойларга, жумладан, турғун савдо, умумий овқатланиш нуқталари, темир йўл вокзали ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига ўрнатилган. Уй-жой, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган шохобчалар ҳамда дорихоналарнинг асосий қисми терминаллар билан таъминланган.

Йил бошидан буён пластик карточкалар ҳисоб рақамларига қарийб 50 миллиард сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўтказиб берилди. Пластик карточкалар орқали жами 47 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлиб, шундан 33,6 миллиард сўми ёки 71 фоизи савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар ҳисобига тўғри келади. Қолган 13,4 миллиард сўм маблағ тижорат банклари кассаларидаги банкоматлар орқали вилоятимиз аҳолисига нақд пул қилиб берилган.

Таъкидлаш ўринлики, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимининг қулай, ишончли ва тезкорлиги ҳақида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида аҳолининг терминаллар орқали ҳисоб-китоб қилишга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Пировардида вилоят бўйича жорий йилнинг январь-февраль ойларида пластик карточкалар орқали амалга оширилган савдо айланмалари миқдори ўртача

**Қулайлик**

2-2,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, сентябрь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 6,5 миллиард сўмдан ошди.

Вилоят тижорат банклари орасида пластик карточкалар эмиссияси ва ўрнатилган терминаллар сони бўйича Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бўлими ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, банк бўлимлари томонидан аҳоли 49324 дона пластик карточка билан таъминланиб, 163 та терминал савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларига ўрнатилган.

Бинобарин, ишчи ва ходимлари сони 400 нафардан кўп бўлган вилоят шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, Ғаллаорол магистраль газ қувурлари бошқармаси, республика Акушерлик ва геникология илмий-текшириш институти вилоят филиали каби ўнлаб жамоаларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари очилиб, ушбу ташкилотлар ходимлари иш ҳақларини ўз иш жойларида пластик карточкаларга ўтказиш имконига эга бўлишди.

Жиззах шаҳридаги “Аргентум-фарм” хусусий фирмаси эса ўзига қарашли 3 та дорихонада пластик карточкалар орқали савдо қилишни йўлга қўйган. Фирма раҳбари Улуғбек Қодирқуловнинг таъкидлашича, бу ҳол савдо айланмасининг ўртача 1,5-2 баробарга ошишига хизмат қилмоқда.

Шаҳарнинг Кўкбозор ҳудудида жойлашган “Каралина-ДЖИ” хусусий фирма дўкони ҳам Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг



вилоят бўлими билан ҳамкорлик қилади. Фирма дўконлари 2003 йилдан буён пластик карточка орқали савдо қилиш тизимини йўлга қўйгани боис, унинг харидорлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Муҳими, дўконлардан мева-сабзавотдан бошлаб барча озиқ-овқат маҳсулотларигача харид қилиш мумкин.

— Яқин келажакда банкимизнинг пластик карточкалари сонини 54 мингтага етказишни мўлжаллаяпмиз, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят бўлимининг Пластик карточкалар бўлими бошлиғи Дилшод Мелиев. — Савдо, коммунал хизмат кўрсатиш, бошқа хизмат тармоқларига яна 190 та терминал ўрнатамиз. Шунингдек, “ДУЭТ онлайин” дастури орқали юридик шахслар ўз ишчи-хизматчиларининг пластик карточкаларига зарур маблағларни Интернет тармоғи орқали киритишига имконият яратилади.

Вилоятда тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш соҳасида бошқа тижорат банкларида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Аҳолининг ушбу тўлов воситасига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида яна 14 мингта пластик карточка муомалага чиқарилиши лозим. 1677 савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаси терминаллар билан жиҳозланиши керак. Айни пайтда бу борада тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Бухоро томонларда

***Ғиждувон туманидаги Позагари, Читгарон, Абади, Калон ва Бўлакиён қишлоқларига 7,5 километрлик тоза ичимлик суви тармоғи тортилди.***

### Сув келтирган элда азиз

Натижада бу ҳудуддаги уч мингдан ортиқ хонадонларга зилол сув кириб борди. Бу мақсадларни амалга ошириш учун жами 115 миллион сўм маблағ сарфланди.

Айтиш лозимки, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг учинчи чорагида тортилган сув қувурлари 143,9 километрни ташкил этди.

### Сут қайта ишланмоқда

***Ромитан туманидаги Чандир қишлоғида сутни қайта ишлашга ихтисослашган “Жасурбек Фирдавс” кичик корхонаси иш бошлади.***

Бу ерга банкдан олинган 60 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда корхонада бир кеча-кундузда 7 турдаги 2-2,5 тонна сут муҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Қишлоқда ташкил этилган ушбу ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилиши билан 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ – ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

якка тартибдаги меҳнат фаолиятига ва касбга йўналтириш, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга оид хайрли ишлар шулар жумласидандир.

Семинарда хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга йўналтирилган жамоат ташкилотлари ходимларининг касб салоҳиятини юксалтириш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазалашда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


CSP ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru

Vinlad Ҳаётимизни осойишта қиламиз!
Диққат, акция!
Гувоҳнома № 000969
«Vinlad» махсуслаштирилган ишлаб чиқариш корхонаси АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА видеокузатув ускуналарини таклиф этади.
- Оқ-қора ТВ-камералар 50 000 сўмдан бошлаб, рангли ТВ-камералар 120 000 сўмдан бошлаб.
- Шунингдек, электр токининг йўналишини ўзгартирувчи асбоб, квадраторлар, видео ишғол қилиш платалари, DVR ва хавфсизлик тизими учун бошқа ускуналар..
- Кириш йўли назорати тизими, пластик карточкаларини босмалаш мосламалари.
- Периметрларни қўриқлаш тизимлари, видеокузатув, навигация тизимлари.
Тошкент шаҳри. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.
Тел.: 277-97-14, 277-97-15, 277-92-67, 277-92-71.
Тел/факс: 277-00-68.
E-mail: vinlad@vinlad.uz Website: www.vinlad.uz
Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ
ПОД ЗАКАЗ
182-62-17, 378-78-07, 441-85-46, 235-47-43.

“ВОЛГА” АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА
AVTODOM PLUS
Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй. Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Офис: Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.
Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН




***Санъат қалбни эзгу ҳисларга ошуфта этгувчи воситадир. Зеро, киши мусиқанинг ҳаётбахш кучи, куй-наво сеҳри ила чинакам гўзалликни ҳис этади, маънан юксалиш сари интилади. Шуни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда навқирон авлоднинг мусиқа санъатига қизиқишини кучайтириш ва истеъдодли ёшларнинг қобилиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# ТАЖРИБАДА ТОБЛАНГАН МАҲОРАТ

Президентимиз раҳнамолигида миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш, энг чекка ҳудудлардаги истеъдод соҳибларини кашф этишга қаратилган кўплаб мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг Ёш ижодкорлар бирлашмаси ҳам бугун ана шундай хайрли ишларга бош қўшаётир. Бирлашмамиз ташаббуси билан санъат соҳасида таълим олаётган ёш бастакорларнинг мусиқий билимини бойитиш, устоз-шогирдлик анъанасини ривожлантириш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Турли танловлар, ижодий кеча ва концерт дастурлари ташкил этилмоқда. Хусусан, йилига беш-олти маротаба Ўзбекистон давлат консерваториясининг концерт залида ёш бастакорлар асарларидан тузилган махсус мусиқий дастурлар намойиш этилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланаётганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Бундан ташқари, мунтазам равишда турли жанрда яратилган бастакорлик асарлари учун танловлар ўтказилмоқда. Масалан, жорий йилда ёш композиторлар ўртасида "Хор жанри учун яратилган энг яхши асар" деб номланган кўрик-танлов эълон қилинди. Йил якунида мазкур беллашувнинг ғолиб ва совриндорлари аниқланиб, улар таниқли санъаткорлар қўлидан қимматбаҳо эсдалик совғаларини қабул қилиб оладилар. Эътиборлиси шундаки, ушбу танловга нафақат олий ўқув юртларининг талабалари, балки мусиқага ихтисослашган академик лицей ҳамда коллежларнинг ўқувчилари ҳам жалб қилинган.

**Санъат**

Бундан ташқари, ёш бастакорлар кўриги, талабалар халқ чолғу оркестри концерти, "Давр садолари II" мусиқа фестивали доирасидаги турли концерт дастурлари ва кўргазмалар ҳам борки, бу сингари тадбирлар баҳона ёшлар устоз санъаткорлар назарига тушиб, улардан ижодий маҳорат сирларини ўрганмоқдалар. Хусусан, Аваз Мансуров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Фарҳод Олимов каби етук бастакорлар кўмагида ижодий ютуқлар сари одимламоқдалар. Устоз санъаткорлар мавжуд мусиқий асарларнинг янгича талқинини ўргатиш орқали бўлажак композиторларнинг маҳоратини toблашга, мусиқа тарихи, гармония, полифония, чолғулаштириш илми каби зарурий билимлар воситасида ёш ижодкорларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишаяпти.

Шу ўринда устоз-шогирд анъанасининг ёшларимиз иқтидорини юксалтиришга хизмат қилаётган яна бир муҳим жиҳатини алоҳида қайд этиш жоиз. У ҳам бўлса, ҳар йили юртимизда ўтказиладиган "Omnibus laboratorium" халқаро маҳорат сабоқларидир. Жаҳонда таниқли бастакор ҳамда мусиқашунос мутахассислар раҳбарлигидаги ушбу машғулотлар ёш бастакорлар учун халқаро миқёсда эришилган ютуқларни ўзлаштириш ва атоқли санъат намояндалари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда Дилноза Зокирова, Хуршида Ҳасанова, Жаҳонгир Шукуров, Фаррух Акромов, Артём Ким, Полина Медюлянова сингари ёш ижодкорлар нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз санъати, маҳоратли бастакорларимиз ижодини жаҳонга танитдилар. Уларнинг бетакрор куйлари мамлакатимиз ҳамда дунё миқёсида ўтказилган йирик фестиваль ва кўрик-танловларда катта қизиқиш билан кутиб олинаяпти. Қолаверса, улар яратган куй-наволар Франция, Бельгия, Италия, Испания, Туркия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Миср, Германия давлатларида бўлиб ўтган концерт дастурларида мунтазам ижро этилмоқда. Бу ютуқлар, шак-шубҳасиз, юртимизда санъат аҳлининг меҳнатини юксак қадрлаш, айниқса, ёшлар ижодини рағбатлантириш борасидаги катта имкониятлар самараси, албатта. Шу маънода, бундан буён ҳам ёшларнинг қобилият ва иқтидорини юксалтириш, айниқса, энг чекка қишлоқ жойларида камол топаётган истеъдодли йигит-қизларга ижодий кўмак бериш асосий мақсад-муддаоларимиздан бири бўлиб қолаверади.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг Ёш ижодкорлар бирлашмаси раиси.**

# ШАРАФЛИ КАСБ МАСЪУЛИЯТИ

***Инсон ва унинг манфаатлари улуғланган, касби қадрланган юртда ёруғ келажак ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Не бахтки, биз Истиқлол туфайли ана шундай саодатли замонда яшаяпмиз. Юртимиз тинч, турмушимиз тўкин, файзли, фарзандларимиз камоли учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Ёшларга эътибор эса келажакка эътибордир. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида Истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлод таълим-тарбиясига устувор вазифа сифатида қараб келинаяпти. Бу йўлда ёшларга беқиёс имкониятлар яратиб берилмоқда.***



Хусусан, Хоразм вилояти халқ таълими соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда энг олис қишлоқларимизда ҳам муҳташам мактаблар қад ростлаганлигини мамнуният билан айта оламиз. Вилоятимизда фақат мактаблардаги қурилиш-таъмирлаш ишларининг ўзи учун 2004-2008 йилларда жами 74,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мактабларни жиҳозлаш учун ажратилган маблағ ҳам ундан кам эмас. Давлатимизнинг ушбу ғамхўрлиги одамларга кўтаринки руҳ бағишлаб, уларни эзгу ташаббуслар билан чиқишга ундамоқда. Ҳомий ташкилотлар, саховатли кишилар маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда Гурлан, Боғот, Янгибозор, Хива туманларида биттадан боғчани таъмирлаб, янгидан жиҳозлаб беришмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, Умуммиллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш воҳада умумхалқ ишига айланган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси педагогларнинг илмий салоҳияти ва малакасини ошириш йўлида мунтазам фаол иш олиб бормоқда. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови ҳам самарали таъсир кўрсатаётир. Жорий йилда ушбу тадбирнинг вилоят босқичида 12 та фан йўналиши бўйича 129 нафар ўқитувчи иштирок этди. Фидойи, изланувчан, соҳадаги ислоҳотларни теран ҳис этувчи устоз-мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўқувчиларимиз ҳам фаоллашиб бормоқдалар. Хусусан, туман, вилоят, республика миқёсидаги фан олимпиадаларида иштирок этиш истагини билдираётган ёшларнинг сафи ортиб бораётганлиги кишини қувонтиради.

Албатта, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда юксак масъулият, ўзига хос мажбурият юкининг катта қисми ўқитувчию муаллимлар зиммасига тушади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар орасида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Шу боис юртимизда ўқитувчилар меҳнати муносиб қадрланмоқда. Ҳозирги кунда вилоят мактабларида 27823 нафар ўқитувчи-педагог фаолият кўрсатаяпти. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Ифтихор**

Вилоят мактабларида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 2008 йилда вилоятда йирик спорт мажмуаси бунёд этилди, 15 та мактабда муҳташам спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги ўқув йилида эса 10 та умумтаълим мактаби қошида қўшимча спорт заллари бунёд этилди. Питнак шаҳарчасидаги ёпиқ сузиш ҳавзаси тўлиқ реконструкция қилиниб, сув спорти ишқибозлари ихтиёрига берилди. Шунингдек, янги ўқув йили арафасида мазкур спорт иншоотлари 128 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига спорт анжомлари билан жиҳозланди, кам таъминланган оилалар фарзандларига 155 миллион сўмлик спорт кийим-кечаклари совға қилинди.



Ўқитувчилар ва мураббийларга, мактаб таълимига қаратилаётган бу эътибор, бундай ғамхўрлик ҳар бир зиёли инсон қалбида чексиз фахру ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Зеро, нафақат таълимда, шу билан бирга, бошқа жабҳаларда эришилаётган ютуқлар Истиқлол деб аталмиш бебаҳо неъмат туфайлидир. Мустақиллигимиз абадий бўлиб, юрт равнақ топган сари ҳаётимиз ҳам фаровонлашиб бораверади.

**Эргаш ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

# ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ГРАН-ПРИ СОВРИНДОРИ



***Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Пекин Олимпиадасида биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган эди. Улар 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида янада юксакроқ натижага эришишни мақсад қилиб қўйишган. Полвонларимиз жорий йил давомида ўтказилган бир неча халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этишди.***

Хусусан, 21-22 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган Гран-при мусобақасида ҳам тўрт нафар полвонимиз совриндорлар сафидан жой олди. Мукофот жамғармаси 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу нуфузли турнирда қирққа яқин мамлакатдан келган, дунё рейтингида фақат юзликка кирган дзюдочилар медаллар учун кураш олиб боришди.

**Хушхабар**

Гран-при беллашувининг саралаш босқичида ҳамюртимиз Дилшод Чориев (90 кг.) барча рақибларини катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Финалда эса японийлик тажрибали дзюдочи Юя Йошидани енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Ўзбекистоннинг энг кучли полвонларидан бири, Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев (+100 кг.) ҳам олтин медалга жуда яқин турган эди. Аммо у финалда мисрлик Ислом ал-Шахабига имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан кифояланди. Шунингдек, яна бир вакилимиз Улуғбек Норқобилов (66 кг.) ҳал қилувчи босқичда японийлик Масаши Эбинумага ютқазиб қўйди ва кумуш медаль соҳибига айланди. Ришод Собиров (60 кг.) эса Ватанимизга бронза медали билан қайтиб келди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Бунёдкорликнинг бадиий ифодаси

***Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида фоторассом Абдуғани Жумаевнинг шахсий кўргазмаси очилди.***

**Тадбир**

"Ижод" ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 250 дан зиёд фотоасарлар намойиш этилмоқда.

Жумладан, уларда Ҳазрати имом мажмуаси, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Тошкентнинг эгизак куранти, Миллий либослар галереяси каби муҳташам ва маҳобатли иншоотларнинг бунёд этилиши жараёни жонли ва бадиий тасвирларда акс эттирилган.

Кўргазма жорий йилнинг 10 декабрига қадар давом этади.

**Ф. БЎТАЕВ.**


ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРНИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ —
«УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ
минтақавий дилерларни ҳамкорликка чақиради,чегирмалар мавжуд!
АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!
Ўзбекистон Республикасида сертификатланган, газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:
- *хонани тезда иситади;*
- *экологик тоза;*
- *белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;*
- *совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;*
- *газни тежаб сарфлайди;*
- *бинолар, коттежлар, офислар, кафелар ва дала ҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.*

*Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларининг қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор кичик станциялари, насослар, тиббий препаратлар ва тиббиёт ускуналари, металл маҳсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, кунгабоқар ёғи, қандолат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳаммабоп нархларда!*
1223R/1649
Тошкентдаги тел.: 242-93-73, 242-84-64, 158-85-75.
E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com


# АЙЛАНМА ЙЎЛДА АДАШГАНЛАР

## қонун олдида жавоб берадилар

***Фарғона шаҳрини Қўқон билан боғловчи йўлларнинг асосий қисми мамлакатимизни қўшни давлат билан ажратиб турувчи чегара ҳудудларини ёқалаб ўтади. Албатта, бу сарҳадлар ҳушёр чегарачилар томонидан сергаклик билан қўриқланяпти. Лекин, афсуски, турли айланма йўллар орқали юртимизга сохта ҳужжатли, сифатсиз молларни олиб киришга уринувчи кимсалар ҳам учраб турибди.***

... Божхона ходимлари эътиборини қирлар орасидаги дала йўлидан катта тезликда асфальт кўчага чиқиб келган "Нексия" машинаси тортди. Машина тўхтатилиб текширилганда, ундан 2 миллион 384 минг сўмлик 11 турдаги ҳужжатсиз, қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум бўлган тракторга тегишли эҳтиёт қисмлар топилди. Энди чегара бузувчи "тадбиркор" — Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Ф. Каримов бу ноқонуний молларни қаердан олиб, қаерга олиб кетаётганини суриштирув-тергов жараёнида қонун ҳимоячиларига батафсил тушунтириб беришига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу йўналиш олғир тадбиркорлар учун бемалол ҳаракат қиладиган айланма йўлга айланиб қолганга ўхшайди. Акс ҳолда, шу йўналишда Риштон туманининг Қошқайрон маҳалласида яшовчи фуқаро И. Ашуров 8 миллион сўмлик ноқонуний молларни ўзига тегишли "Газ—24" автомашинасига юклаб, ҳеч бир ҳадиксиз тараллабедод қилиб юрармиди?!

**Қилмиш-қидирмиш**

Биз юқорида тилга олган юлғичлар якка тартибда ҳаракат қилган бўлишса, М. Аъзамов, Н. Каримов бошчилигидаги жиноий гуруҳ эса уюшган ҳолда мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний молларни, эҳтиёт қисмларни олиб кириш билан шуғулланган. Бу тўда ўз фаолиятини шундай ташкил этганки, Олтиариқ туманининг Бўрбулоқ қишлоғидан то Қўқон шаҳригача бўлган йўлларга, овлоқ жойларга кузатувчилар қўйишган. Лекин сарҳадларимиз посбонлари, осойишталигимиз ҳимоячилари улардан сергакроқ, ҳушёрроқ чиқишди. Улар ўтган машиналар карвони Боғдод тумани ҳудудида қўлга тушди.

Жиноий тўдага тегишли бўлган салкам 249 миллион сўмлик товар-моддий бойликлари, судда жиноят қуроли деб топилган 26 та "Нексия" машинаси, 10 та кичик автобус давлат фойдасига мусодара қилинди.

**Анваржон ҲАПИЗОВ,**
**Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси.**

# Рассомлар ижодида давр нафаси

***Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида "Замон акси" деб номланган кўргазма ташкил этилди.***

**Кўргазма**

Унда таниқли рассомлар — Женгис Лепесов, Сарсенбой Бойбўсинов, Бозорбой Серекеев, Василий Жапаров ва Барлиқбой Айтмуротовнинг асарлари намойиш этилди. Рассомларнинг "Келинчак", "Қовун сайли", "Ғамгин Орол" каби тарихий картиналари кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айтиш лозимки, намойиш этилган асарларнинг бош ғоясини она-диёрга, Ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари ташкил этади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi»га 2010 йил учун
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
Ахборотнома саҳифаларида:
- *Ўзбекистон Республикаси қонунлари;*
- *Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;*
- *хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;*
- *чет эл арбитраж ва хўжалик судлари тажрибаси;*
- *қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.*

*Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.*
Маълумот учун телефонлар: 277-91-66, 277-96-60.


# ОБ-ҲАВО (24 ноябрь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Айрим жойларга туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, кечки пайт ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 0-2 даража илиқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
Товар сертифицирован
Форма оплаты — любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru


Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси" ва "Куч — адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти жамоаси бирлашган таҳририят бош муҳаррири Шодиқул Ҳамроевга акаси **Карим ҲАМРОЕВнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 5